

7.2. “Ижрочи” томонидан транспорт карталарининг бериш муддати бузилса, у “Буюртмачи” га ҳар кечиктирилган куни учун тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини етарли даражада ёки тўлиқ бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жавобгардирлар.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича маъсулиятни қисман ёки тўла ҳолатда бажаришдан озод қилинадилар, агар бу ҳолат шартнома тузилгандан кейин енгиб бўлмас куч туфайли юзага келса, яъни фавқулодда ҳолатлар ҳар икки томон учун олдиндан кутилмаган ҳолатлар бўлиб, уларни оқилона тадбирлар билан енгиб бўлмаса (форс - мажор).

8.2. Ушбу фавқулодда ҳолатларга қуйидагилар киради: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчиши, эпидемия ва табиатнинг бошқа офатлари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролар тартибсизликлари, террористик ҳаракатлар ва ҳ.к.

8.3. Форс - мажор ҳолатлари вужудга келганда мажбуриятларни бажариш муддати ушбу ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

8.4. Форс - мажор ҳолатига дучор бўлган томон 5 (беш) календар куни ичида шундай ҳолат юз бергани ҳақида бошқа томонни хабардор қилиши керак.

8.5. Форс - мажор юзага келиши ҳақида хабарнома вақтида юборилмаса, айбдор томон бошқа томонга етказилган зарарни тўлаши шарт.

8.6. Форс - мажор ҳолатларига ишора қилувчи томон, уларни тасдиқлаш учун, ваколатли давлат органининг хужжатини тақдим этиши шарт.

IX. Низоларни ҳал этиш

9.1. Ушбу шартнома ижросидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликларни “Томонлар” музокаралар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилишади.

9.2. Агар ушбу шартнома ижроси бўйича низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, ушбу низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал этилиши лозим.

X. Бошқа шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган “Томонлар” ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, “Томонлар”нинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2. Сотилган транспорт карталари ва транспорт карталарига тўлдирилган тариф режалар қайтариб олинмайди ва алмаштирилмайди.

10.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир томон учун бир нусхадан, тузилади.

10.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

10.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва “Томонлар” уларни имзолаган тақдирда, ҳақиқий ҳисобланади.

10.6. “Томонлар”нинг ҳеч бири, “Томонлар”нинг ёзма розилигисиз, ушбу шартнома бўйича ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи томонга бериши мумкин эмас.

10.7. Ушбу шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.8. “Томонлар” шартнома (келишув) тузаётганларида шартномага (келишувга) имзо чекиш ҳуқуқи бўлган шахсларнинг факсимилеси механик ёки бошқа нусха кўчириш воситасида ишлатилиши мумкин, шунингдек, факсимиле ушбу шартнома доирасида керакли бўлган ҳужжатларга ҳам ишлатилиши мумкин, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида факсимилени бу ҳужжатларда ишлатиш тақиқланмаган бўлса.

10.9. “Томонлар”, уларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, ушбу ҳақида бир-бирларини 10 (ўн) кун давомида ёзма равишда хабардор қилишлари лозим.